Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти кутубхонаси

2008 ЙИЛ, 26 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 246 (11.307) | Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## 2009 ЙИЛ 4 ЯНВАРЬ ЯКШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2009 ЙИЛ 2 ЯНВАРЬ ЖУМАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда аҳолини дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2009 йил 4 январь якшанба дам олиш куни 2009 йил 2 январь жумага кўчирилсин. 4 январь якшанба кунини иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 24 декабрь*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ БИР ЙЎЛА МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларининг ҳалол меҳнатини моддий рағбатлантириш мақсадида ҳамда кириб келаётган Янги — 2009 йил байрами муносабати билан:

1. 2008 йилнинг декабрь ойида бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимлари ойлик лавозим маошининг 10 фоизи миқдорида пул билан бир йўла мукофотлансин.

2. Бюджет ташкилотлари ходимларига бир йўла пул мукофотини тўлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур мукофотни тўлаш тартиби ва манбаларини белгиласин.

3. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларга ўз ходимларини шахсий маблағлари ҳисобидан бир йўла мукофотлаш тавсия этилсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 25 декабрь*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**



**МАМЛАКАТНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛИ НАВҚИРОН АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК БИЛАН БЕВОСИТА БОҒЛИҚДИР. ШУ БОИС ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ЮРТИМИЗДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОДНИ ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ, ПУХТА БИЛИМ, СОҒЛОМ ТАФАККУР СОҲИБЛАРИ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАСИГА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

*2008 — Ёшлар йили*

## ИСТЕЪДОДЛАРГА ҚАНОТ БЕРГАН ТАНЛОВ





«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Камалак» болалар ташкилоти ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган анъанавий «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивали ҳам ўғил-қизларнинг маънавий-маданий савиясини юксалтириш, истеъдод қирраларини кашф этиш, санъатнинг гўзал ва мафтункор оламига ошно этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» саройида 24 декабрь куни мазкур фестивалнинг якуний босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ва катта концерт бўлиб ўтди. Шу муносабат билан мазкур саройга ўқувчи-ёшлар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчи ва мураббийлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари йиғилди.

Юртимизда қад ростлаётган янгидан-янги таълим-тарбия, спорт-соғломлаштириш, маънавият ва маърифат масканлари, болалар бадиий ижодиёт марказлари ўсиб келаётган ёш авлодга чуқур билим бериш, маънавиятини бойитиш, истеъдодини камол топтиришга хизмат қилаётир. Бу эса ёшларни она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида истеъдодларни излаб топиш, аниқлаш, уларга қанот бағишлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётир.

Олтидан ўн тўрт ёшгача бўлган ўсмирлар иштирокидаги «Янги авлод – 2008» республика болалар бадиий ижодиёти фестивалининг пойтахтимизда ўтган якуний босқичи ҳақиқий санъат, гўзаллик, нафосат, болалик байрамига айланди. Унда ўғил-қизлар классик мусиқа, миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, хонандалик, рақс, тасвирий ва амалий санъат, шеърият, насрий ва саҳна асарлари бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

Бир ҳафта мобайнида Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент фотосуратлар уйида фестивалнинг тасвирий ва амалий санъат йўналиши иштирокчиларининг ижод намуналаридан иборат бадиий кўргазма бўлиб ўтди. Ўзбекистон Давлат консерваториясида ижодий беллашувнинг классик мусиқа, миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, хонандалик, рақс каби йўналишлари иштирокчилари томонидан концертлар ўтказилди.

Фестиваль доирасида таниқли ёзувчи ва шоирлар, мусаввирлар, санъаткорлар, ҳунармандлар билан ижодий учрашувлар, маҳорат сабоқлари, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Болалар учун мустақиллик йилларида пойтахтимизда барпо этилган бадиий ижодиёт масканлари, майдонлар, музейлар ва бошқа диққатга сазовор масканларга саёҳатлар уюштирилди.

— Фестиваль жуда кўтаринки руҳда ўтди, — дейди тадбирнинг шеърият йўналиши бўйича совриндори Нукус шаҳридаги 37-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Фариза Авезова. — Азим пойтахтимизда барпо этилган маданият ва санъат, спорт кошоналари бизда унутилмас таассурот қолдирди. Таниқли санъаткорлар, рассомлар, шоир ва ёзувчиларнинг қизиқарли суҳбатларидан баҳраманд бўлдик, янги дўстлар орттирдик. Биз, ёшларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан аъло ўқишимиз, жамоат ишларида янада фаол бўлишимиз зарур.

Тадбирда фестиваль совриндорларига дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди. Санъат усталари, эстрада юлдузлари ва «Янги авлод – 2008» республика болалар бадиий ижодиёти фестивали совриндорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНГА 450 МИЛЛИОН ДОЛЛАР АЖРАТАДИ

**ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ОТБ) ҚАТОР ЙИЛЛАРДАН БУЁН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИ, ТАЪЛИМ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ЙИРИК ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА. ЯҚИНДА ОТБНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИГА ДОИР ҚИСҚА ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ. УШБУ БАНК ЯҚИН УЧ ЙИЛ ДАВОМИДА ЎЗБЕКИСТОНГА ТАХМИНАН 450 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ АЖРАТИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА.**

Ўзбекистон ва ОТБ темир йўл ва автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш борасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Марказий Осиё минтақавий транспорт йўлаги бўғинларидан бири бўлган асосий автомагистрални ривожлантириш учун ОТБ мамлакатимизга 75 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратди. Бу маблағ Ўзбекистонни Қозоғистон, Афғонистон ва Туркманистон билан боғлайдиган узунлиги 1204 километрлик Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов автотрассасини ривожлантиришга йўналтирилди.

ОТБ мамлакатимизда ташиладиган юкларнинг асосий қисми темир йўл транспорти улушига тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда, ҳукуматимиз саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади ва темир йўл тармоғини ривожлантириш учун икки марта, умумий қиймати 140 миллион долларга тенг маблағ ажратди.

ОТБ 2008 йилнинг декабрида Ўзбекистон ҳукуматига сув ресурсларини бошқариш ва Андижон, Навоий, Наманган, Самарқанд ҳамда Фарғона вилоятларидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 100 миллион доллар миқдорида кредит ажратишга қарор қилди. Лойиҳада узунлиги 150 километр хўжаликлараро каналларни, хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги 500 километрдан ортиқ коллектор-дренаж иншоотларини қайта тиклаш, Фарғона ва Зарафшон водийси вилоятларидаги 150 минг гектардан ортиқ ерни суғорадиган саккизтагача насос станциясини реконструкция қилиш кўзда тутилган. Лойиҳани амалга ошириш муддати тахминан олти йилни ташкил этади. Кредит тўғрисидаги битимни 2009 йилнинг бошида имзолаш режалаштирилмоқда.

Осиё тараққиёт банки томонидан иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда.

Масалан, ОТБнинг "Қашқадарё ва Навоий вилоятларида сув таъминоти ҳамда санитария" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа оқова сувларни чиқариб ташлаш учун сув қувурлари тизимини барпо этиш ва ускуналарни модернизация қилишни назарда тутади. Бу қарийб 170 аҳоли пунктида сув таъминоти ва санитария ҳолатини яхшилаш имконини беради. 2006 йилдан буён амалга ошириб келинаётган "Сув" лойиҳасини 2010 йилда якунлаш режалаштирилмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

## ЎЗБЕКИСТОНДА БАЙРАМЛАР БИРИ БИРИДАН ГЎЗАЛ НИШОНЛАНАДИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНГИ ЙИЛНИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТКАЗИШ УЧУН ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА. БАЙРАМ АРАФАСИДА ТОШКЕНТ МАЙДОНЛАРИДА, БОҒЛАРИ ВА КЎЧАЛАРИДА КЎПЛАБ САЙЁҲЛАРНИ УЧРАТИШ МУМКИН. ЎЗА МУХБИРИ УЛАРДАН АЙРИМЛАРИНИНГ ТААССУРОТЛАРИ БИЛАН ҚИЗИҚДИ.**

**Фелипе Родригес ФЕРНАНДЕС (Испания):**

— Ўзбекистонга уч йил аввал Наврўз байрами арафасида келган эдим. Ўшанда юртингизда ушбу айём катта тантана билан нишонланганига гувоҳ бўлганман. Уйғониш ва яшариш, гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат рамзи бўлган Наврўз байрамини халқингиз билан ҳамнафас нишонлаганимдан, бу гал эса сафарим Янги йил арафасига тўғри келганидан беҳад мамнунман.

Йил давомида барча орзиқиб кутадиган ушбу ажойиб байрамни мамлакатингизда кўтаринки руҳда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, Мустақиллик майдонида бунёд этилган "Эртаклар шаҳарчаси" менда унутилмас таассурот уйғотди. Бу ерда намойиш этилаётган байрам томошалари нафақат кичкинтойларга, балки катталарга ҳам жуда манзур бўлаётир.

**Накосика ТАНАКА (Япония):**

— Тошкентга келишим билан байрам шукуҳининг гувоҳи бўлдим. Меҳмонхоналарда, супермаркет ва дўконларда, кўча ва майдонларда байрам нафаси уфуриб турибди. Безатилган арчалар, бозор расталаридаги турфа ўйинчоқ ва ранг-баранг совғалар киши кўзини қувонтиради.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, кўплаб миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ бўлиб, фаровон, осуда ва тинч-тотув ҳаёт кечираётгани Ўзбекистонда барча миллатларга кўрсатилаётган улкан эътибордан далолатдир.

**Йоҳан МЮЛЛЕР (Германия):**

— Талабалик йилларим Тошкентда ўтган. Бу сафар Ўзбекистонга сайёҳ сифатида келдим. Мен учун қадрли ва ардоқли бўлган ушбу муқаддас заминни ғоят соғинган эдим. Озод ва обод Ўзбекистон кўп йиллик хотираларимни ёдга солди. Ўзбек халқи ҳар бир байрамни ўзгача шукуҳ билан нишонлашга одатланган. Янги йил арафасида юртингизда байрамга кўрилаётган қизғин тайёргарлик ишлари бунга ёрқин мисолдир. Сайилгоҳ ва майдонларда намойиш этилаётган байрам томошалари, безатилган арчалар, ранг-баранг ўйинчоқлар дилларга қувонч бағишлайди.

Рафиқам ва фарзандларим билан 2009 йилни серфайз Ўзбекистонда кўплаб азиз дўстларим даврасида кутиб олишни ният қилганмиз.

**Одри ШАБАЛЬ (Франция):**

— Янги йил — каттаю кичик, айниқса, жажжи болакайлар интиқлик билан кутадиган байрам. Мен Янги йилни Шарқ мамлакатларида кутиб олишни кўп йиллардан буён орзу қилар эдим. Ана шу орзуимни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонни танладим. Юртингиз байрам кунлари янада гўзал ва мафтункор диёрга айланибди. Мустақиллик майдонидаги улкан арча ва "Эртаклар шаҳарчаси" болажонлар учун ажойиб туҳфадир.

Байрам кунлари чет эллик меҳмонларнинг, сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун юртингизда барча шароит муҳайё. Бу заминда ҳар бир байрам қизиқарли ва мароқли ўтишига ишонаман.

**ЎзА мухбири**
**Мадина УМАРОВА**
**ёзиб олди**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Ўсма касалликлари профилактикаси: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**
- **Тошкентда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ҳамда нормаларига мувофиқлаштиришга бағишланган давра суҳбати Омбудсман фаолиятига бағишланди.**
- **Урганч шаҳрида капитал таъмирланган марказий деҳқон бозори ишга тушди. Сотувчи ва харидорларга барча қулайликлар яратилган бозорнинг қурилиш-таъмирлаш ишларига 2,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.**
- **«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Гулистон давлат университетида фаолият кўрсатаётган 110 нафар ёш педагог оиласига уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилди.**
- **Янги йил байрами арафасида Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ тумани Қозоқдарё овулини Чимбой тумани билан боғловчи йўлнинг икки километри тубдан таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. «Қозоқдарё» канали устида янги кўприк барпо этилди.**
- **Самарқанд вилоятининг Ургут туманида кабель ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ургут-Вағиштикабелсервис» хусусий корхонаси иш бошлади. Йилига 238 минг километр узунликда кабель ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада 20 нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланди.**
- **Наманган шаҳрида «Versal-N» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. Янги меҳмонхона очилиши натижасида 30 киши доимий иш билан таъминланди.**

### ЖАҲОНДА

- **Белоруссия Президенти Александр Лукашенко 2009 йилнинг 1 январидан 31 декабригача мамлакатга берилаётган Россия гази нархи 2,5-3 бароборга арзонлашишини маълум қилди.**
- **АҚШнинг янги сайланган Президенти Барак Обама давлат котиби Хиллари Клинтоннинг икки ўринбосарини расман тайинлади.**
- **Кеча Бойқўнғир космодромидан Россиянинг «Протон М» ракетасига тегишли бўлган учта сунъий йўлдош муваффақиятли учирилди.**
- **Австралияда қурилиш саноати ва йўл инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида қонун қабул қилинди. Унга кўра мамлакатда янги йўллар қурилиши учун 3,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилади. Янги қонун глобал иқтисодий инқироз туфайли молиявий аҳволи ёмонлашаётган компанияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.**
- **Кеча Украинанинг Евпатория шаҳридаги кўп қаватли уйлардан бирида портлаш рўй берганлиги сабабли, сўнгги маълумотларга кўра 24 киши ҳалок бўлган, 20 киши вайроналар орасидан қутқариб олинган. Бу ерда зудлик билан қутқарув-қидирув ишлари давом этмоқда. Портлаш сабаблари аниқ бўлмаса-да, маиший баллонли газ сабаб эканлиги айтилмоқда. Ушбу ҳодиса муносабати билан Украинада мотам эълон қилинди.**
- **Вашингтон штати губернатори Крис Григуар ноқулай об-ҳаво шароити туфайли штатда фавқулодда ҳолат эълон қилди. Соҳа мутахассислари мамлакатнинг шарқий ҳудудларида яна қор бўрони содир бўлиш хавфи юзага келганини маълум қилишмоқда.**
- **Британиянинг Sky News телеканали 3-D телевидениеси учун тест дастурларини намойиш этишни бошлади. Янги технологиядан баҳраманд бўлиш учун мухлислар 3-D мосламасини олишлари ва махсус кўзойнакдан фойдаланишлари лозим бўлади.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

**Тошкент, 2008 йил 19 декабрь**

Халқаро Валюта Жамғармаси Миссияси 2008 йил 8-19 декабрь кунлари Тошкентда бўлди. Миссияга Халқаро Валюта Жамғармасининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директорининг ўринбосари Сена Экен хоним бошчилик қилди.

Ташрифдан кўзда тутилган мақсад 2008 йилдаги иқтисодий ва молиявий ҳолатни ва жаҳон иқтисодиётида сўнгги пайтларда рўй бераётган ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда, 2009 йилги истиқболларни ва расмий идораларнинг иқтисодий сиёсат борасидаги режаларини баҳолашдан иборат эди. Миссия самарали ҳамкорлик ва ошкора фикр алмашув учун расмий идораларга алоҳида миннатдорлик изҳор этди.

Жаҳон иқтисодиётида кредит инқирози давом этаётган ва ривожланган давлатларда иқтисодий пасайиш кузатилаётган бир пайтда, 2008 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарорлиги сақлаб қолинди, ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 9 фоизни (расмий маълумотларга кўра) ташкил этди, мамлакатда ташқи савдо баланси ва бюджетнинг сезиларли профицити кузатилди, валюта резервларининг ошиши давом этмоқда, банк тизими барқарорлиги сақланмоқда. Инфляция ўсишининг олди олинмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг жиддий пасайиши 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига унинг экспортига кирувчи хомашё товарлари нархларининг тушиши, Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор-давлатларида иқтисодий ўсишнинг пасайиб кетиши ҳисобига экспорт товарларига талабнинг камайиши, пул ўтказмаларининг қисқариши орқали таъсир этиши мумкин. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланган давлатлар молия бозорлари билан тўлиқ интеграциялашмаганлиги сабабли хорижий кредитлар ва капитал оқимининг кескин камайиши ҳисобидан жиддий зарар кўриш эҳтимоли йўқ.

Ўзбекистон ўзининг мустаҳкам макроиқтисодий салоҳияти туфайли иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ иқтисодий сиёсатни амалга ошириш учун катта молиявий имкониятларга эга. Жаҳондаги инқирознинг иқтисодий ўсишга салбий таъсирини юмшатиш учун молиявий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни пасайтириш билан бирга аниқ тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш зарур. Халқаро Валюта Жамғармаси расмий идораларга ушбу масалалар юзасидан ёрдам кўрсатишга тайёр.

Миссия умид қиладики, расмий идоралар томонидан ички талабни рағбатлантириш мақсадида кенг қамровли иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши, хусусан кенг кўламли солиқ-бюджет сиёсати ва пухта ўйланган пул-кредит сиёсати натижасида 2009 йилда, иқтисодий ўсишнинг бироз пасайишига қарамай, иқтисодий ривожланиш истиқболларининг ижобийлиги, савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдоси ва бюджет профицити сақлаб қолинади. Миссия жаҳондаги молиявий инқирозга жавобан протекционистик чораларни, валютани чеклашни, алмашув курсини кескин пасайишни қўлламасликни тавсия этади.

Расмий идоралар ва миссия банкларнинг иқтисодий фаолиятдаги ролини янада мустаҳкамлаш муҳимлиги хусусида келишиб олдилар. Миссия расмий идораларга банкларни уларга хос бўлмаган функциялардан озод этиш ва пулларни узлуксиз берилишини давом эттириш орқали банк тизимига бўлган ишончни янада мустаҳкамлашни тавсия этди, банкларда давлат улушининг оширилиши ва давлатнинг банк фаолиятига аралашуви вақтинчалик эканлигини маъқуллади.

Миссия тўлов баланси бўйича маълумотларни такомиллаштиришда эришилган ютуқларни ва расмий идораларнинг миллий даромад ва нархлар статистикаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга доир қатъий режасини маъқуллайди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

# КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Унда Тошкент ва Сирдарё вилоятларида вояга етмаганларни қаровсиз ва назоратсиз қолдиришнинг олдини олиш, таълим муассасаларида ўқувчиларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш ва битирувчиларни ишга жойлаштиришнинг аҳволига доир масалалар муҳокама қилинди.

Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида милиция таянч пунктлари қошида 2,5 мингдан зиёд факультатив тўгарак, 2,3 мингдан ортиқ кичик бизнес шохобчаси ҳамда 2,8 минг спорт майдончаси барпо этилганлиги, ёшларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилганлиги ва амалга оширилган профилактик тадбирлар натижасида улар ўртасида жиноятчилик сезиларли даражада камайганлиги таъкидланди. Сўнгги икки йилда ҳудудий комиссиялар ташаббуси билан 390 марта ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида 25 минг нафардан ортиқ йигит-қизга ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.

Тошкент ва Сирдарё вилоятларида вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларга замон талаблари асосида билим бериш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бош прокуратура матбуот хизматидан маълум қилишларича, йиғилишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, фарзанди тарбияси билан шуғулланмаётган ота-оналарга чора қўллаш, қаровсиз ва назоратсиз юрган болаларни вақтида аниқлаш, улар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун мактабдан ташқари тўгарак ва спорт мактаблари, ёшлар ижодиёти марказлари фаолиятини жонлантириш лозимлиги таъкидланган. Айни пайтда, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, бозор иқтисодиёти шароитига мос билим ва малакасини шакллантириш, вояга етмаганларни жиноий йўлга бошловчи шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни қўллаш масалаларига эътибор янада кучайтирилмоғи зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича жойларда муайян камчиликларга йўл қўйилаётгани кўрсатилиб, уларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.Акбарова иштирок этди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНГА 450 МИЛЛИОН ДОЛЛАР АЖРАТАДИ

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

ОТБ 12 йиллик ҳамкорлик давомида Ўзбекистон Республикасига умумий қиймати бир миллиард доллардан ортиқ бўлган 26 кредит маблағи ажратди. Айни пайтда умумий қиймати қарийб 600 миллион долларни ташкил этадиган 16 та кредит маблағини ўзлаштириш давом этмоқда. Улар қишлоқ хўжалиги, транспорт инфратузилмаси, ичимлик сув таъминоти тармоғида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, таълим ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш соҳасидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Ўзбекистон ва ОТБ ишончли ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйган. ОТБ мутахассисларининг фикрича, ҳозирги глобал молиявий инқирозга қарамай, Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори кўрсаткичларини намоён этмоқда. Осиё тараққиёт банки экспертлари фикри асослидир. Негаки, ушбу нуфузли халқаро молия институти Ўзбекистондаги 12 йиллик фаолияти давомида миллий иқтисодиётимиз хусусиятларини яхши ўрганиб чиққан.

— Ўзбекистон раҳбарияти иқтисодий юксалиш аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатиши учун астойдил ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз, - дейди Осиё тараққиёт банкининг мамлакатимиздаги доимий ваколатхонаси раҳбари Хонг Вей. - Шу сабабли мамлакатингиз ҳукумати банкимиз билан ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишда ижтимоий масалалар, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва бошқа муҳим тармоқларга катта эътибор қаратмоқда.

ОТБ экспертларининг фикрича, Ўзбекистон иқтисодиёти келгусида ҳам юқори суръатларда ривожланади ва ушбу халқаро молия институти қўшма лойиҳалар ёрдамида мазкур жараёнга ўз ҳиссасини қўшиб бораверади.

**(ЎзА)**

# Қисқа сатрларда

• **ЎТГАН** куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида раҳбар ходимлар тафаккурини синаш, малакасини ошириш мақсадида ўтказилган танлов «Тафаккур синови» деб номланди.

• **ЎТГАН** куни Республика болалар ижтимоий мослашув марказида ташкиллаштирилган семинарда болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг аҳамияти ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

• **ЎТГАН** куни Учтепа туманидаги 312-мактабда Республика Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчилари фестивалининг туман босқичи уюштирилди.

• **ЎТГАН** куни Тошкент шаҳар болалар мусиқа ва санъат мактаблари директорлар Кенгаши томонидан уюштирилган навбатдаги йиғилишда мусиқа ва санъатни ривожлантириш мақсадида жорий йилда ўқув масканларида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди, келгуси режалар белгилаб олинди.

• **КИРИБ** келаётган Янги йил муносабати билан шаҳримиз бозорларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди.

• **ҚАНДОЛАТ** маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган «Ширин дунё» корхонасида Янги йил арафасида 80 тоннадан ортиқ маҳсулотлар тайёрланди.

• **ЎТГАН** куни Республика «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ташаббуси билан ҳаракатнинг вилоятлардаги бўлимлари раҳбарлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида ўтказилган ўқув семинарида жорий йилда амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокама қилинди.

• **ЎТГАН** кундан Тасвирий санъат галереясида рассом Нимцовичнинг шахсий асарлари кўргазмаси намойиши бошланди. Ушбу тадбир 2009 йилнинг 23 январигача давом этади.

• **КЕЧА** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида Уй ҳамшираси курси битирувчиларига дипломлар топширилди.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

**МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУГУНГИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЯРАТИЛАЁТГАН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШИНИ ЯНАДА ОШИРИБ БОРМОҚДА. АЛБАТТА, БУ БОРАДА ЮРТИМИЗДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЭРКИН ҲАРАКАТИ ВА ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҲУҚУҚИЙ АСОС ШАКЛЛАНТИРИЛГАНЛИГИНИ ТАЪКИДЛАБ ЎТИШ ЖОИЗ.**

*Биз ва жаҳон*

# ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ЭЪТИРОФИ

Яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланаётган Ўзбекистон тадбиркорлари хорижий сармоядорлар билан янада мустаҳкамроқ алоқалар ўрнатиш, мамлакатимизнинг бой иқтисодий ва ижтимоий имкониятларини намойиш этишга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозирда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида юз бераётган иқтисодий инқироз бир қатор глобал муаммоларни келтириб чиқараётган бир пайтда юртимиз мисолида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг юқори даражасини сақлаб қолиш ғоятда мушкул бўлса-да бунга эришилаётганини таъкидлаш мумкин. Бу эса мамлакатимиз раҳбари ва ҳукумати томонидан олиб борилаётган мустаҳкам иқтисодий сиёсатнинг самарасидир.

Ўзбекистонга хорижий сармояларнинг янада кенг жалб қилинишида юртимиз ва бир қатор ривожланган давлатларда ўз фаолиятини амалга ошириб келаётган инвестиция банкларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Чунончи, бу борада ташкил этилганлигига ўн йил бўлган бўлсада, жаҳон молия бозорида ўз ўрнини топиб бораётган «АНШЕР» инвестиция банклар гуруҳини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур молия ташкилоти 2007 йилда «Марказий Осиёдаги энг яхши инвестиция банки», 2008 йилда эса «Ўзбекистондаги энг яхши инвестиция банки» номинациялари бўйича ғолиб бўлиб, бир қатор халқаро мукофотлар соҳибига айланган.

Мазкур молия ташкилоти томонидан шу йилнинг 1-4 декабр кунлари Швейцариянинг Цюрих шаҳрида «Жаҳон инвестиция истиқболлари» мавзусида конференция ўтказилди. Тадбир ташкилотчиси «АНШЕР» инвестиция банки иштирокчиларни Ўзбекистон иқтисодиёти ва мамлакатимизга хорижий инвестицияларни олиб кириш имкониятлари билан батафсил таништирди. Мазкур тадбирнинг очилиш маросимида таниқли ўзбек санъаткорлари иштирокида маданият кечаси ҳам ташкиллаштирилди. Конференцияда жаҳон молия марказларида жойлашган 120 дан ортиқ энг йирик молия ташкилотлари иштирок этиб, уларнинг юртимиз иқтисодиёти билан яқиндан танишишлари ва бевосита молиявий алоқалар ўрнатишлари учун имкониятлар яратилди. Конференция давомида олинган таассуротлар тадбирнинг барча иштирокчилари ёдида узоқ вақтгача сақланиб қолиши табиий.

**Х.ЙЎЛЧИЕВ,**
**«Аншер капитал» инвестицион банки ходими**

# ЁШЛАР ВА САЛОМАТЛИК

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД САЛОМАТЛИГИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНЛИГИ, УЛАРНИНГ МАЪНАН ЕТУК, ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ БЎЛИБ КАМОЛГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ДИҚҚАТГА САЗОВОР БЎЛМОҚДА.**

Бу борада Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали томонидан маҳаллаларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўтказилаётган турли хил тадбирлар, мутахассислар билан учрашувлар, савол-жавоблар аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида тиббий саводхонликни ошириш, турли хил юқумли касалликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Яқинда мазкур институт томонидан Тошкент юридик коллежида «Мавсумий касалликларнинг олдини олиш» мавзусида бўлиб ўтган тадбир ҳам ёшлар учун ниҳоятда қизиқарли кечди. Унда Учтепа туманидаги 24-оилавий поликлиника шифокорлари, мазкур туман Саломатлик маркази ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали вакиллари ва ўқувчи ёшлар иштирок этишди. Тадбирда Саломатлик ва тиббий статистика институти услубчи шифокори Насима Аҳмедова сўзга чиқиб, тадбирнинг мақсадини иштирокчиларга тушунтирар экан, «Ёшлар йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ўтказилаётган бундай тадбирларнинг мазмун-моҳияти, мавсумий юқумли касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида гапирди. Учтепа тумани Саломатлик маркази услубчи шифокори А.Ҳасанхўжаев вирусли гепатитнинг турлари, юқиш йўллари, асоратлари ва олдини олиш чоралари ҳақида ёшларга батафсил маълумотлар берди. Учтепа туманидаги 24-оилавий поликлиника шифокори З.Тўхтаева эса ўткир юқумли касалликлардан бири — грипп ҳақида, унинг олдини олиш, даволаш чора-тадбирлари, шунингдек, ботулизм касаллигига чалинмаслик учун нималарга эътибор бериш кераклиги хусусида ёшларга тушунтириб берди. Шундан сўнг баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар бошланди.

Тадбир давомида талабалар орасида «Вирусли гепатитнинг олдини олиш» бўйича сўровномалар ўтказилди.

— Сўровномалар ўтказишдан асосий мақсад, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали директори Эльвира Маракаева, — ёшларнинг тиббий билимларини ошириш, ҳар бир инсон ўз соғлигига ўзи масъуллигини тушунтириш, оилада соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, ёшлар ўртасида турли хил юқумли касалликлар кўпайишининг олдини олишдан иборат. Ўйлаймизки, бу каби тадбирлар нафақат юқумли касалликларнинг олдини олиш, балки ёшларни гиёвандлик, ичкиликбозлик сингари иллатлардан сақлаш, уларнинг соғлом, маънан юксак инсон бўлиб вояга етишларида муҳим омил бўлади, албатта.

**Дилором ИКРОМОВА**

**ШАҲРИМИЗДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕАТРИДА РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ, ЁШЛАР ТЕАТРИ, ЎЗБЕКИСТОН РУС МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ҲАМДА РОСЗАРУБЕЖЦЕНТР ВАКОЛАТХОНАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ АЛЕКСАНДР ФАЙНБЕРГНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**





# САРА ИЖОД НАМУНАЛАРИ

Тадбир давомида шоир ижоди ихлосмандлари бир қатор янги шеър ва поэмаларни мириқиб тингладилар. Юрий Алексеев шоир қаламига мансуб қўшиқларни маҳорат билан ижро этиб, даврага ўзгача файз киритди.

Бироқ ижодий кечанинг энг муҳим нуқтаси, бу — Александр Файнбергнинг янги «Лебединая стая» китобининг тақдимоти бўлди. Таъкидлаш жоизки, мазкур китобдан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Сирожиддин Саид, Жуманиёз Жабборов, Рустам Мусурмон, Хосият Рустамова, Азим Суюн ва бошқа кўплаб етакчи ўзбек шоирларининг рус тилига маҳорат билан ўгирилган энг сара шеърлари ўрин олган. Ушбу шеърларни ўқиган рус китобхони кўз ўнгида юртимиз тоғлари ва водийларининг бетакрор қиёфаси, миллий қадриятлар ва урф-одатлар беихтиёр гавдаланади.

Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Насриддин Муҳаммадиев таъкидлаб ўтганидек, Александр Файнберг бамисоли ўзбек шеъриятининг тонгги боғи эшикларини очди, унинг ортида эса тубсиз само ва улкан, ажойиб дунё мавжуд.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: ижодий кечадан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар**

# Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## УБАЙДИЙ ҲИКМАТЛАР

**Яхшилиқ агар умидинг ўлса ҳақдин,**
**Яхшиға жафо, ямонға эҳсон қилма!**

* * *

**Ёр ўлғусидур кўб киши давлатда санга,**
**Хуш сўз дегусидур бари хилватда санга.**
**Аларни соғинма ёру ёр они соғин:**
**Ким ёрлиғ этар барчаға меҳнатда сенга.**

* * *

**Ҳар кимки, соз этса ниятин — раҳмат анга!**
**Ҳақ ниятиға кўра берур давлат анга.**
**Ҳар кишики турлук айласа ниятини,**
**Хосиятин ул навъ берур ният анга.**

* * *

**Зинҳор адаб ўрганинг, эй аҳли талаб,**
**Ким бордур адаб кулли саодатқа сабаб.**
**Шайтонки, адабсиз эрди – қолди маҳрум,**
**Одамни, кўрунг, не ерга еткурди адаб!**

* * *

**Ориф кишилар элга қотилмайдурлар,**
**Тенгри деганидин ўзга қилмайдурлар,**
**Нодонлар аларни кўзга илмайдурлар,**
**Ҳеч кимсалар узрини билмайдурлар.**

* * *

**Кимники кўнгул севар – они ёд қилур.**

* * *

**Олам аро жоиз ул-хато инсондур,**
**Ўз нафси учун ҳамиша саргардондур.**
**Гаҳ нафси учун макр қилур, гаҳи ҳиял,**
**Билмас нетарин – ўз ишига ҳайрондур.**

* * *

**Ўтуб борадур шиддат ила умр, эй ёр,**
**Ранжу аламу меҳнат ила умр, эй ёр.**
**Афсус, афсус, кўз юмуб-очқунча**
**Ўтти кетти ғафлат ила умр, эй ёр.**

* * *

**Эй нафс, ямон юруй-юруй ҳорғунгдур,**
**Охир сўнг ишинг эшикда ёлборғунгдур.**
**Лаънат-лаънат дебон ўзунгга доим,**
**Раҳмат-раҳмат деб ўзгага борғунгдур.**

* * *

**Соғинмаки, бу фалак абас эвруладур,**
**Онинг била бу ер аро ҳикмат тўладур.**
**Зинҳор басират кўзи бирла боққим:**
**Бу ишларида қудрати зоҳир бўладур.**

* * *

**Бу даҳрки, фитна ханжарин тез қилур,**
**Хунхўрларин қотилу хунрез қилур.**
**Бўлманг ғофил шўъбадасидинким, ул**
**Ҳар лаҳзада бир шўъбада ангез қилур.**

* * *

**Ҳар дўстким, ул душманга ёрдурур,**
**Билким, санга ул ёр эмас, ағёрдурур.**
**Айланг ҳазар андинким, анингдек кишида**
**Бир навъ хаёлу бир бало бордурур.**

* * *

**Кўнгулга ўлум фикрини ким солғусидур,**
**Ибрат ўлуку тирикдин ул олғусидур.**
**Мендин ким ўлуб, ким**
**қолурин сўрмангким,**
**Билмон ким ўлуб, жаҳонда**
**ким қолғусидур?**

* * *

**Душман ичи ҳолингға сенинг куймасдур,**
**Қонингни аёқ-аёқ ичиб тўймасдур.**
**Яхшилиғ анга қилмаким, бир кун сенга ул**
**Душманлиғини айламайин қўймасдур.**

* * *

**Дунёлигингга ишонмаким, кетгусидур,**
**Давлат доғи ҳар сори мафа этгусидур.**
**Мағрур қай элки бўлса дунёлиғина,**
**Охир ҳам ул-ўқ бошлариға етгусидур.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

С.Раҳимов туманидаги 315-мактаб томонидан 2007 йилда Абдураҳмонов Аваз Абдумаликович номига берилган №2881322 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси ва уюшма тизимидаги бозор жамиятлари жамоаси уюшма Бошқаруви раиси М.И.Аташиковга падари бузруквори

**Исломшик ота АТАШИКОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

